

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**212** «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳно-  
номаларини бериш ва авиация ходимларининг тур-  
лари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига  
(ЎР АҚ-61) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-7*

*(2012 йил 20 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси тўғрисида»-ги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2004 й., 2-сон, 17-модда) ва Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАО стандартлар ва тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳно-маларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**19 (519)-сон**

**— 65 —**

**212-213-моддалар**

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 19 апрель,  
37-сон